

АБУ БАКР АР-РОЗИЙНИНГ ИЛМ САРЧАШМАСИ

Ф.ф.н. Юлдашева Л.С.

Кат.ўқитувчи Ш.С. Шониёзов

Тошкент Давлат Стоматология институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф Шарқ мутафаккирларидан бири бўлган Абу Бакр ар-Розийнинг табобат ва кимёдан ташқари, доришунослик, фалсафа, мантиқ, риёзиёт, фалакиёт каби фанларнинг ривожига қўшган ҳиссасини таҳлил қилган.

***Калим сўзлари:** табобат, Жолинус, Адудий, руҳий покланиш, нафс, лаззат, тиббиёт, чечак, вабо, мусиқа, ахлоқ, хушхулқ, бадхулқ.*

ABSTRACT

In the article, the author analyzed the contribution of Abu Bakr al-Razi, one of the thinkers of the East, to the development of sciences such as medicine, philosophy, logic, mathematics, and catastrophism, in addition to medicine and chemistry.

***Key words:** medicine, Jolin, Adudi, spiritual purification, lust, pleasure, medicine, smallpox, plague, music, morality, good, bad.*

КИРИШ

Шарқ халқларининг илмий табиатшунослик ва фалсафий фикрлари ривожига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирларидан бири Абу Бакр Муҳаммад ибн Закарийе ар-Розий 865 йилнинг 28 августида илмий ва маданий марказлардан бири бўлган Рай шаҳрида таваллуд топди. У Хуросон ҳамда Ўрта Осиё фани ва маданияти анъаналарини Бағдодда давом эттирган йирик қомусий олим эди.

Мамлакатимизда олимнинг ҳаёти ва илмий меъроси ўзбек шарқшунослари

У. Каримов, Ҳ. Ҳикматуллаев ва С. Каримовалар тарафидан батафсил ўрганилган. Бу маълумотларга кўра, у ёшлик йилларида аввалига адабиёт ва шеърятга қизиқиб шеърлар ёзган ҳамда мусиканинг шайдоси бўлган. Бундан ташқари, олимнинг ўша кезлари заргарлик ҳунарини ўргангани ва хатто, саррофлик билан шуғуллангани ҳам маълум.

Ар-Розий ўзининг “Жолинуснинг қарашларига шубҳалар” рисоласида ёшлик чоғларида “ажойиботлар яратувчиларнинг” хатоларини топиш мақсадида кўп тажриба ва тадқиқотлар олиб борганини баён этади. Эҳтимол, бу тадқиқотлар ёш олимнинг кимё фанини чуқур ўзлаштиришига сабаб бўлган. Бунинг пировард натижасида ар-Розий ўзининг “Сирлар китоби”, “Кимёга кириш”, “Минералларнинг пайдо бўлиши”, “Тошлар ҳақида китоб”, “Иксир

хақида китоб, “Олтин ва миснинг софлик тамғаси (пробаси)”, “Кимёни инкор этувчи ал-Киндийга раддия”, “Сирларнинг сири китоби” асарларини яратдики, улар ўрта аср кимё фанининг ноёб дурдоналарига айланди.

МЕТОДЛАР

Ибн ал-Қифтий ва Абу Райхон ал-Берунийларнинг кўрсатишича, ар-Розийнинг кимёвий тажрибаларга жуда берилиб кетгани ва доимий тутун, буғ, ўткир ҳид ва оловнинг таъсирида бўлиши оқибатида кўзининг шикасланишига олиб келади¹. Шифо истаб кўз табиби (каххал)га мурожаат этган ар-Розийдан даво учун табиб беш юз динор талаб қилинганидан ғазабланган олим табобатни ўзи мукаммал ўрганишга киришади. Ёши 30 атрофида бўлган ар-Розий табобат, кимё ва фалсафа каби фан соҳаларида илм излаб Бағдодга келади ва тинмай изланиши, кўгина китоблардан, устозларидан олган маърузалари орқали тўплаган маълумотлар орқали ўзини табибликда синаб кўради ва инсонларни даволай бошлайди. Тез орада халқ орасида танилиб, машхур табибга айланади. Хатто, арабларнинг “Жолиуси” деган фахрий номга сазовор бўлади. Инсонларни даволашдаги юксак маҳорати туфайли турли ҳукмдорлар ар-Розийни ўз пойтахтларига даъват эта бошлайдилар Шу тарика, у аввалига Рай, кейинчалик эса, Бағдодда “Адудий” номи билан юритилган шифохонани бошқаради.

“Ислом энциклопедияси”да таъкидланишича, ар-Розий XVII асрга қадар табобатдаги энг катта обрўга эришган олимлардан бўлган. Ибн Абу Усайбиданинг “Уйун ал-анба” асарида ар-Розийнинг буюк иқтидор соҳиби эканлигидан да- лолат берувчи бир лавха сақланган. Унга кўра, Бағдод ҳукмдори Адуд ад-Давла олимдан “Адудий шифохонасини” қайси жойга қуриш мумкин деб сўраганида, ар-Розий Бағдоднинг ҳар қайси воҳасига бир бўлакдан гўшт осиб қўйишни ва гўшт қанча узоқ вақт давомида бузилмай туришига араб, ўша жойда шифохона қуришни маслаҳат берган. Бу билан аллома баҳаво, касаллик тарқалишини олдини олишда ёрдам берадиган тоза ҳаволи жой деб таърифлаган.

Абу Бакр ар-Розий умрининг сўнгги йилларида кўр бўлиб қолади. Бунинг сабаби сифатида эса, манбаларда олимнинг кўп ўқиши, кимёвий моддалар билан тажрибалар ўтказиши, йирик ловияни кўп истеъмол қилиши кўрсатилган. Олим 925 йилда 60 ёшида Рай шаҳрида оламдан ўтган.

¹ Abu Rayhon Beruniy Tanlangan asarlar 1-Tom. T.-, - 1957

НАТИЖАЛАР

Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розийнинг бизгача 200 дан ортиқ асари етиб келган.

Ҳ. Ҳикматуллаев ар-Розийнинг энг машҳур тиббий асарлари ҳақида қуйдаги маълумотларни келтиради:

1. «Катта тўнлам» («ал-Ҳавй»). Олимнинг мазмун жиҳатидан энг муҳим ва ҳажм жиҳатидан энг катта (30 жилд) асари. Муаллиф унда қадимги юнон табобатидан то ўз замонасигача бўлган назарий ва амалий тиббий маълумотларни тўплаган ҳамда ўзининг Рай ва Бағдод шифохоналарида амалга оширган тажриба ва кузатишларини тавсифлаган. Асар ўз моҳиятига кўра табобат тарихидаги нодир қомус (энциклопедия) лардан саналади.

2 «Йўриқнома» («ал-Муршид») асл номи «Табобат ҳақида ҳақ сўзлар» бўлган бу асарда муаллиф Букротнинг «Фусўл» китобидаги қийин жойларини изоҳлаб беради.

3. «Доансурга бағишланган тўплам» («ал-Куннзи ал- Мансўри»), Рисола табобат, анатомия, гигиена, фармакология ва соғлиқни сақлашнинг бошқа масалаларига бағишланган 10 мақоладан иборат.

4 «Подшоҳлар табобати» («ат-Тибб ал-мулкия»), Рисола Табаристон хоқими Али Ваҳсузонга бағишланган бўлиб, унда «бошдан оёқгача» бўлган касалликларни доривор овқатлар билан даволаш баён этилади.

5 «Табиб қолмаган кишига» («Ман ла йаҳдуруху ат-табиб»), Китобда табиб келмаган ҳолатда «бошдан оёқгача» бўлган касалликларни даволаш ҳақида кўрсатмалар берилади.

6. «Сиканжубиннинг манфаатлари» («Манафи' ас-Сикан жубйн»), Сиканжубин номли ичимликнинг хосиятлари, фой- даси, истеъмол қилиш вақти ва ҳолатлари баён этилади

7. «Мураккаб дориларга бағишланган катга китоб» («Ал- Ақрабадин ал- кабйр»). Турли касалликлар ва уларга нисбатан ишлатиладиган мураккаб дорилар ҳақида.

8 «Чечак ва қизамиқ ҳақида китоб» («Китаб ал-жудари вал-хасба»), Табобат тарихида юқумли касалликлардан чечак ва қизамиққа бағишланган илк асар. Унда кузатилган тажрибалар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, асар муал- лифи эса, унинг илк кашфиётчиси ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, рисола У.И Каримов тарафидан ўзбек тилига таржима қилинган ва изоҳланган.

Ар-Розийнинг кимёга оид “Сирларнинг сир” китоби ҳам У.И.Каримов томонидан тадқиқ этилган ва нашрдан чиқарилган. Асарнинг аҳамияти кимёвий

реакцияларни тезлаштириш ва реакцияга киришган моддаларни қайтадан аввалги ҳолига қайтариш мумкинлиги ғоялари билан белгиланади.

Олим табобат ва кимёдан ташқари доришунослик, фалсафа, мантиқ, риёзиёт, фалакиёт ва бошқа фанларга оид турфа рисолаларнинг қам муаллифи ҳисобланади.

Алломанинг фалсафий қарашларини ўрганишга унинг уч фалсафий рисоласи манба бўлиб хизмат қила олади: “Китоб тибб аррухоний” (“Рухий даволаш китоби”), “Китоб сийрат ал-фалсафийа” (“Фалсафий ҳаёт тарзи ҳақида китоб”) ва “Мақола фи аморат иқбол ва ад-давлати” (“Бахт-саодат ва бойликка эришиш йўллари ҳақида рисола”)сидир.

Ар-Розий ўзининг фалсафий қарашларида, борлиқ, инсон, табиат, рухий онг масалаларининг диалектикасини акс эттирган. Унинг дунёнинг азалийлиги ҳақидаги қарашларини шиддатли равишда танқид қилган Носир Хисравнинг “Зод ал-мусофирин” (Мусофирларнинг озука халтаси) асаридан кўриш мумкин. Жумладан, “...бирламчи модда азалийдир, негаки, нарсаларнинг бошқа нарсалардан пайдо бўлишининг имкони йўқ, хусусан агар у жисм бўлса, чунки, ақл бундай таълимотни қабул қилмайди”². Замон тўғрисидаги таълимотида ҳам Розий Арастуға карама -қарши фикрда бўлган. Афлотуннинг қарашлари ар-Розий қарашларига яқинлигини кўриш мумкин. Унинг фикрича рух, Худо азалий ва абадийдир. Афлотуннинг Рух ва Худо азалийлиги ўз-ўзидан ошқор ҳодиса деган фикрини аллома қўллаб-қувватлайди. Ар-Розий фикрича, Рухнинг мавжудлиги, абадийлиги ҳамда тозаллиги ҳар бир инсоннинг ҳаётли даврида қилган амалларига боғлиқ бўлади. Рухнинг фалсафий хусусияти ҳам мана шундадир.

Алломанинг ахлоққа бағишланган энг машҳур асари “Тибби рухоний” ҳисобланади. Аллома ахлоқшуносликни инсонда хушхулқликни тарбиялаш ва бадхулқликни йўқотиш йўллари ҳамда усуллари ҳақидаги фан деб қарайди. У инсонни ақл билан иш кўришгаб меъёрида лаззатланишга, ўз эҳтиросларини жиловлаб, лаҳзалик лаззатга умрини бахш этмасликка ўргатади. Муסיқа тибби рухоний бир томондан, бадан тарбия иккинчи томондан бир-бири билан мўътадил равишда қўшилганда кишининг рухий ва нафсоний ҳолатини яхшилайти, деб таъкидлайди.

ХУЛОСА

Шундан хулоса қилинадиган бўлса, аллома Абу Бакр ар-Розийнинг фалсафий қарашларида рухий табобатнинг энг муҳим вазифаси инсоний бахт

² Насир Хисрав. Зод ал-мусофирин. -Душанбе: Дониш 2014

билан чамбарчас боғлиқ бўлган лаззатнинг моҳиятини билиш ва тушунтиришдан иборат деб ҳисоблайди. Унинг ахлоқий ва умуман фалсафий қарашлари ҳали ҳам ўз актуаллигини йўқотмагандир.

REFERENCES

1. М.А.Усмонов Закария ар-Рази. Жизнь и деятельность //Из философского наследия народов Востока. Т.
2. Абу Райхон Беруний Танланган асарлар т.1 -Т.: 1957
3. М.Диноршоев Жизнь, наследия и философские воззрения Абу Бакра ар-Рази. Душанбе. 2013
4. Хусрав Насир Зад-ул-мусафирин Душанбе: Дониш. 2014
5. М.Қодиров Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури. Т.:ТДШИ 2010.